

Худудий хизматлар соҳасини шакллантирувчи мезонларни ўрганиш амалиёти

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва шу асосда хизмат соҳасини ривожлантириш йўллари амалий жиҳатдан асослаш масалалари муайян ҳудуд мисолида кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: маъмурий бирлик, ҳудудий омиллар, иқтисодий, демографик, техникавий ва технологик мезонлар, ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар, оммавий хизматлар.

Практика изучения факторов формирования сферы услуг региона.

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы изучения факторов влияющие на формирование развития сферы услуг и их региональных особенности. На основе изучения этих факторов обосновано практические пути развития сферы услуг на примере конкретного региона.

Ключевые слова: административное деления, территориальные факторы, экономические факторы, демографические факторы, технико-технологические факторы, услуги особой социальной значимости, обычные виды услуг.

Practice of studying of factors formation sphere of services of region.

Annotation

In article questions of studying of factors developments of sphere of services influencing formation and their regional features are considered. On a basis studying of these factors is proved practical ways of development of sphere of services on an example of concrete region.

Keywords: administrative divisions, territorial factors, business factors, demographic factors, tehniko-technology factors, services of the special social importance, usual types of service.

Хизматларнинг ижтимоий - иқтисодий моҳияти уни ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг субъектив диалектикасининг яхлитлигида ўз ифодасини топади. Яъни, хизмат ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчининг алоҳида индивидуал тарзда “бирикиши” натижасида меҳнат бевосита товар кўпригида истеъмолчига етказилади ва у “сервис” ёки “хизмат кўрсатиш” категориясига ўтади.

Хизмат кўрсатиш жараёнлари индивидуал ва ижодий характерга эга. У замон ва макон диалектик ўзгаришларига нисбатан дифференциалланиб боради. Хизматлар соҳаси жамият тараққиётини ифода этувчи алоҳида кўрсаткичи бўлибгина қолмай, изчил динамик характерга эга бўлган муҳим

иқтисодиётнинг инфраструктуравий тармоғи сифатида умумиқтисодий муносабатлар тизимида иштирок этади. Ушбу тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичи аҳоли даромадининг ва турмуш сифатининг ўсиб боришига мутаносиб боғлиқ ҳолда аҳолининг истеъмоли таркибидаги улуши билан ўлчанади. Ваҳоланки, исталган иқтисодий фаолиятнинг мақсади, унинг қайси шаклда амалга оширишдан қатъий назар, ижтимоий бойликни оширишга хизмат қилиши керак. Бу ерда хизматлар соҳасида яратилган маҳсулот “меҳнатнинг нафлик самараси”¹ ёки “меҳнатни ифодаловчи қиймат”² сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси ўзида ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий – ташкилий жиҳатини мужассам қилган ҳолда “хизматлар соҳаси” ҳамда “хизматлар бозорининг” тўлақонли шаклланишига асос яратилди.

Мамлакат ва унинг ҳудудий бирликлари хўжалик тизимининг тараққиётида хизматларнинг ўрни, унинг қуйидаги функцияларида ўз ифодасини топади:

1. Мамлакатда яратиладиган миллий даромад ва ялпи ижтимоий маҳсулотнинг муайян қисмини шакллантиришда иштирок этиш, шунингдек аҳолининг бандлиги билан боғлиқ муаммоларини ечиш орқали меҳнат ресурслари балансини таъминлашга кўмаклашиш;

2. Аҳолининг ҳаражатлари ва даромадлари ўртасидаги мутаносибликни шакллантириш, ўзининг мультипликатив самараси³ орқали моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларида саноатнинг ва қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатларини оширишда ҳамда меҳнат унумдорлигининг ўсишига кўмаклашиш, турмуш даражасининг ижтимоий-ҳудудий тафовутларини бартараф этиш, бўш вақтдан унумли фойдаланиш, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ижтимоий тенгликни таъминлаш.

Булардан ташқари, хизматларнинг алоҳида турларининг саноат, туризм, аграр саноат каби кластерлардаги⁴ иштироқи орқали ҳудудий синергетик самарани⁵ ошираётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Хизматлар соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига урғу берар эканмиз, таъкидлаш жоизки, фаолиятнинг ушбу тармоғи ҳудудий омилларнинг таъсирига сезувчанлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунга кўра, хизматлар соҳасининг иқтисодиётини, ташкилий жиҳатларини илмий -

¹ Меҳнатнинг нафлик самараси – бу ерда меҳнат хизмат (маҳсулот) кўринишида муайн эҳтиёжни қондирувчи (наф берувчи) неъмат назарда тутилади.

² Меҳнатни ифодаловчи қиймат- хизмат (меҳнат маҳсули) бозорда айрбошлаш предметига айланади ва баҳоланади. Демак, меҳнат (яъни хизмат) товар кўринишида қийматни ўзида ифода этади.

³ Мультипликатив самара - мультипликатив самаранинг (эффekt) моҳияти хизматлар соҳасининг кенгайиши (инвестициялар киритилиши) хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган тармоқлар фойдасининг ошишига, шунингдек ҳудуднинг ялпи даромадининг ўсишига сабаб бўлади.

⁴ Кластер- бир ҳудудда жойлашган турдош корхона ва муассасаларнинг ягона тизимга бирлашиши.

⁵ Синергетик самара – (юнонча *synergys* – биргаликдаги фаолият ёки ҳаракатлар уюшганлиги) тизимлар таркибидаги элементларнинг ўзаро уюшувида ҳосил бўладиган натижа. Иқтисодиётда синергетик самара (эффekt) соҳалар ёки муайн ҳудудда турли йўналишда фаолият олиб бораётган алоҳида, мустақил субъектларнинг уюшуви, биргаликдаги фаолияти доирасида юзага келадиган ялпи иқтисодий ўсиш (самара) тушунилади.

амалий асосда ўрганишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида ажратиб тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир ҳудуднинг (маъмурий бирликнинг) ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берувчи сифат кўрсаткичларида ўз ифодасини топганлиги сабабли, хизматлар соҳаси корхоналарининг фаолият кўрсаткичларига миқдорий кўрсаткичлар орқали аниқ хулоса беришни чеклаб қўяди.

Ушбу мақолада юқорида таъкидлаб ўтилган назарий далиллардан келиб чиқиб, мамлакатнинг алоҳида ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва шу асосда хизмат соҳасини ривожлантириш йўллари амалий жиҳатдан асослаш масалалари муайян ҳудуд мисолида кўриб чиқилган.

Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти жиҳатидан йирик, хўжалик тармоқлари изчил ривожланиб бораётган ҳудудларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, чакана ва улгуржи савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, уй-жой қурилиши каби тармоқларнинг ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Шунга мувофиқ ҳолда, кейинги йилларда хизматнинг янгидан-янги турлари ҳам пайдо бўлмоқда:

- кўчмас мулк савдоси, ахборотлаштириш, маркетинг ва реклама хизматлари, молиявий хизматлар;
- болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича (хусусий мактаб ва боғчалар, ОЎЮга тайёрлаш);
- ветеринария хизматлари (даволаш, овқатлантириш, эмлаш);
- ўй – жойлар қурилиш ва таъмирлаш хизматлари (муҳандислик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш хизматлари билан бирга);
- технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари;
- аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб пайдо бўладиган бошқа ижтимоий – маданий, маиший хизматлар.

Вилоятда кейинги йилларда хизматлар соҳасини тобора ривожлантириш масаласи бугунги кун тартибидан алоҳида жой олган.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, табиий савол туғилади, ҳудудий бирликларда хизматлар соҳасининг шаклланишига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

Фикримизча, ушбу масалани аниқлаш учун хизматлар бозорининг шаклланишини қайси мезонларни таснифлаш доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳудудий хизматлар соҳаси ва бозорини баҳолашда умумий мезонлари сифатида қуйидаги параметрларни кўрсатишимиз мумкин: иқтисодий, демографик, техникавий ва технологик, ресурслар миқёси, хизматларга бўлган талабнинг ҳажми, нархни шакллантирувчи ва бошқа омиллар.

Иқтисодий мезон бошқа омиллар ичида энг муҳими ҳисобланади. Айрим хизмат турлари саноат ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча даромад

манбаи ҳисобланади. Айрим хизматлар хизматлар бозорининг тор нишасига ихтисослашган бўлиб тайёрловчи корхоналар бундай хизматлар кўрсатишга қодир эмаслар ёки буни йўлга қўйиш корхона учун иқтисодий жиҳатдан самара бермаслиги мумкин. Масалан, логистик хизматлар, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш, автоювиш хизматлари, вақтинчалик автомобиллар турар жойи шулар жумласидан.

Бугунги кунда хизматлар бозор олди-сотдиси жараёнининг тўлақонли предмети бўлиб ўлгурган ҳолда, кўпгина ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда ва етакчи тармоғига айланиб бормоқда. Яъни бу:

- ҳудуд аҳолиси томонидан истеъмол қилинган товар ва хизматларнинг бозор нархидаги қиймати, шунингдек тўлов баланси, давлат харидларидан иборат бўлган ҳолда Ялпи ҳудудий даромадни шакллантиради;

- шунингдек товар ва хизматларга сарфланган моддий харажатлар каби кўрсаткичларни ўз ичига олган ҳолда Ялпи ижтимоий маҳсулотни яратади.

Вилоят ҳудуди иқтисодиётида хизматларнинг ривожланиши хизматлар соҳасининг сердаромадлиги, ресурсларга бўлган талабнинг нисбатан пастлиги натижасида қушилган қиймат ҳажмининг мутассил ўсиши, хизматлар учун туловнинг қисқа вақт ичида амалга ошиши каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткич бу аҳоли даромади ҳисобланади. Демак, бу кўрсаткич аҳолининг туловга қодирлигини таъминлаган ҳолда истеъмол талаби таркибида маиший техника ва жиҳозлар, мебеллар, автомобиллар, ўй – жойлар харид қилишга бўлган талабнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Мазкур ўзгариш, айниқса қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатининг ортиши натижасида уй-жой қурилишининг оммалашганлиги, ёш оилалар учун истеъмомол фондларининг ташкил этилганлиги, қишлоқ жойларда сервис марказларининг ҳамда объектларини бунёд этишга бўлган эҳтиёжнинг мутассил ошиб бориши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий дастурларнинг кенг қулоч ёйиши, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхона ва иншоотларнинг модернизациялашга киритилаётган капитал қўйилмалар эвазига хизматлар соҳасида инвестиция товарларининг ўсиб бориши истеъмол талабининг асосий таркибини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, хизматларнинг мураккаб ва меҳнатталаб бошқа турлари ҳам мунтазам кенгайиб бормоқда. Жумладан, хизматлар таркибида ахборот хизматлари, молиявий хизматлар, ишбилармонлик хизматлари, тиббий хизматлар каби мураккаб малакавий ресурсларни талаб этувчи хизматлар улушининг ортиб бориши ҳам турмуш даражасининг ўсиб бораётганлигидан дарак беради. Бу ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда меҳнат билан машғул бўлган аҳолининг иш вақти ва бўш вақти ўртасидаги номуносивилик ҳам барҳам топмоқда.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши демографик мезонларга ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур мезон таркибида турли ёшдаги гуруҳларнинг сон жиҳатидан динамик ўзгариши, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ва лаёқати бўлмаган аҳоли ўртасидаги мутаносиблик, табиий ўсиш, аёллар ва эркеклар ўртасидаги тафовутлар каби параметрлар ўрин олган. Масалан, миллатнинг қариши оқибатида хизматларнинг тиббий, ҳаётни суғурталаш каби махсус турлари юксалиб боради.

Аёлларнинг ижтимоий меҳнатга кенг жалб этилиши сиёсати натижасида бизнес ва фермерлик соҳасида, бошқарув тузилмаларида фаол иштирок этиши билан бир қаторда сервис соҳасида ҳам улар таркибининг ўсиб бориши кузатилмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида истеъмол товарлари бозорининг ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш асосида кенгайиб бориши билан бирга хизматлар бозори ҳам ўсиб бормоқда. Хизматлар сотиш ҳажмининг ЯИМдаги улуши моддий товарлар ҳажми билан тенглашди. Бундан ташқари, хизматларни бозорда силжитиш жадаллиги, хизматларнинг янгиланиш тезлиги, хизмат турларининг кўпайиш изчиллиги, истеъмолчилар ва бозор талабига мослашиш каби кўрсаткичлар бўйича товар ишлаб чиқаришга нисбатан жадал суръатларда бормоқда. Бунга далил сифатида вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган чора – тадбирларнинг ҳосиласи улароқ, қуйидаги рақамларга мурожаат қиламиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича хизматлар соҳасининг ривожланиш суръатлари (2010-2013 йиллар давомида)

Кўрсаткичлар номи	2010 й.		2011 й.		2012 й.		2013 й.	
	таркиби %	ўтган йилга нисба тан, %	тарки би, %	ўтган йилга нисба тан, %	тарки би, %	ўтган йилга нисба тан, %	тарки би, %	ўтган йилга нисбата н, %
Хизматлар - жами	100,0	118,5	100,0	117,3	100,0	117,6	100,0	121,1
<i>шу жумладан:</i>								
савдо ва умумий овқатланиш	25,7	122,5	21,4	122,6	28,6	117,8	26,7	119,6
транспорт хизматлари	18,8	121,3	14,1	120,9	17,6	122,6	19,2	125,5
алоқа ва ахборотлаштири ш хизматлари	7,2	128,7	5,6	133,4	6,9	126,4	7,1	136,3
молиявий хизматлар	7,1	127,7	5,4	121,0	7,1	116,1	7,6	132,7

сайёҳлик-экскурсия хизматлари	0,7	105,2	0,4	112,0	0,5	115,8	0,5	131,4
меҳмонхона хизматлари	0,5	105,7	0,3	120,4	0,4	121,2	0,5	113,9
коммунал хизматлар	14,9	99,6	11,4	100,4	12,7	121,9	12,1	96,5
маиший хизматлар	2,4	130,3	3,2	114,0	3,9	121,7	7,3	127,6
автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	2,0	135,5	1,5	118,4	статистик ҳисоботларга ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли кўрсатилмаган			
бошқа хизматлар	20,6	119,6	14,7	113,1	22,2	108,1	19,0	106,7

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

2013-йил якунларига кўра, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг ўсиш суръати давом этган. Самарқанд вилояти бўйича жами кўрсатилган хизматларнинг ҳажми 2013-йилда 2012-йилга нисбатан 21.1% га ўсган. аҳолининг истеъмол ҳаражатлари таркибида пуллик хизматлар улуши мутассил ўсиб бормокда. 2013-йилда ўтган йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 20.8% (19.6 % ўрнига)га ўсган. Аҳолининг умумий ҳаражатлари таркибида уй-жой коммунал хизматлари (31.7%), алоқа хизматлари (23.2%), маиший хизматлар (14%) ва транспорт хизматлари (11.9%) асосий ўрин тутди (80.8%).

2012-йилга нисбатан хизматлар ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари алоқа хизматлари (35,5% ўсган, қишлоқ жойларда 60.8%) бўлиб, аҳолининг замонавий ахборот хизматлари (мобил алоқа, Интернет хизматлари)нинг ўсиши, транспорт хизматлари (33.1% ўсган, қишлоқ жойларда 45.6%), суғурта ва ишбилармонлик хизматлари(34% ўсган, қишлоқ жойларда 5.3%), маиший хизматларга (27.8% ўсган, қишлоқ жойларда 58.4%) бўлган талабининг ортиб бориши билан изоҳланади.

2-жадвалда вилоятда хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденцияси хизмат турлари кесимида кўрсатилган.

2-жадвал

Самарқанд вилоятида хизматлар ўсиш динамикаси хизмат турлари кесимида

Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Хизмат турлари	Хизматлар ўсиш динамикаси				2013 й. 2012 йилга нисбатан %
		2012 йил режаси	2012 йил амалда	2013 йил режа	2013 йил амалда	
	ЯҲМ даги хизматлар улуши(%)	40,9	44	45,6	41,3	3,6
	Хизматлар, жами	116,4	118,1	117,9	121,2	4,8
	жумладан:					
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш	123,7	125,3	119,0	136,3	12,6

	хизматлари (уяли алоқа, "Интернет" тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматлари билан бирга)					
2.	Компьютерли программалаштириш хизматлари (электрон таълим ва консултация хизматлари билан бирга)	114,3	106,1	116,9	122,9	8,6
3.	Молия хизматлари (банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматлари билан бирга)	112,5	113,7	114,5	132,7	20,2
4.	Транспорт хизматлари (логистик хизматлар билан бирга)	120,2	123,1	118,5	125,5	5,3
5.	Қурилиш хизматлари (муҳандислик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш хизматлари билан бирга)	118,5	133,3	118,0	128,2	9,7
6.	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	141,5	133,9	119,0	130,3	-11,2
7.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	122,9	142,5	116,5	137,3	14,4
8.	Туристик хизматлар (мехмонхона хизматлари билан бирга)	116,3	124,3	119,0	123,1	6,8
9.	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	117,8	117,9	119,5	119,6	1,8
10.	Маиший хизматлар	120,6	123,4	116,0	127,6	7
11.	Таълим хизматлари	122,8	120,9	115,8	116,5	-6,3
12.	Соғлиқни сақлаш хизматлари	139,3	149,7	117,0	130,5	-8,8
13.	Қишлоқ хўжалиги хизмати	108,9	108	104,0	132,4	23,5
14.	Бошқа хизматлар	106	109,1	116,8	106,7	0,7

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Ялпи Ҳудудий Маҳсулотда хизматлар улуши 2013-йилда 2012-йилдаги 44,0 % ўрнига 45,6 % ни ташкил этган, яъни 3,6 % га ўсган. Хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 2012-йилда 117,6 % ни ташкил этган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 4,8 % га ўсиб, 121,1 % ни ташкил этган. Бироқ, хизматларнинг технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари - 11,2 % га , таълим хизматлари - 6,3 % га, соғлиқни сақлаш хизматлари - 8,8 % га тушганлиги ушбу соҳаларда бир қатор ташкилий ишларни амалга оширишни талаб қилмоқда. (3-жадвалга қаранг).

Вилоят хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциясини туманлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, барча туманларда белгиланган режа ортиғи билан бажарилган (3-жадвал).

3-жадвал

Самарқанд вилояти туманлари кесимида хизматлар ўсиш динамикаси

№	Шаҳар ва туманлар номлари	Хизматлар ўсиш динамикаси	2013 й. 2012
---	---------------------------	---------------------------	--------------

		2012 йил режаси	2012 йил амалда	2013 йил режа	2013 йил амалда	й. нисбатан ўсиш суръати %
Вилоят бўйича жами:		116,4	117,6	117,9	121,9	4,8
<i>Шаҳарлар:</i>						
1	Самарқанд ш	118,3	124,1	118,6	114,9	-3,4
2	Каттақўрғон ш	109,9	107,5	116,7	130,5	20,6
<i>Туманлар:</i>						
3	Булунгур	113,3	117,8	117,7	128,9	15,6
4	Жомбой	110,2	122,3	118,0	125	14,8
5	Иштихон	115,2	102,9	118,1	122,5	7,3
6	Каттақўрғон	116,5	108,2	116,7	125,4	8,9
7	Нарпай	116,1	105,4	116,5	138,4	22,3
8	Нуробод	124,7	97,2	117,7	134	9,3
9	Оқдарё	121,8	118,4	117,0	150,3	28,5
10	Пайарик	116	93,2	116,1	138,3	22,3
11	Пастдарғом	115,9	109,6	117,0	121,7	5,8
12	Пахтачи	122,6	114,9	115,1	120,3	-2,3
13	Самарқанд	107,4	114,7	118,3	122	14,6
14	Тайлоқ	120,7	115	117,9	120,9	0,2
15	Ургут	109,9	103,9	117,0	126,4	16,5
16	Қўшработ	115,6	167,9	117,5	127,4	11,8

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Маълумки, хизматлар соҳаси инвестиция муҳитига ва давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Кейинги 10-йил давомида хизматлар соҳасини ривожлантириш масалаларига қаратилган давлатимиз томонидан бир қатор режа ва дастурлар эълон қилиниб изчил ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда. Соҳани ривожлантиришга бюджетдан ва бюджетдан ташқари инвестициялар мунтазам йўналтирилмоқда.

2013-2016 йилларга мўлжалланган Дастур режасига кўра, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ажаратиладиган кредит маблағлари тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда соҳани ривожлантириш учун жами 143283,4 миллион сўм миқдорда инвестиция киритиш мўлжалланган бўлса, 2012 йилда 1806 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, 42601 млн. сўм ўзлаштирилган, режа 235 % бажарилган. 2013 йилда режада кўрсатилган 44931 млн. сўм маблағ киритилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 55739 млн. сўм ҳажмида маблағ сервис субъектларини молиялаш учун йўналтирилган ва режа 124 % га бажарилган (4-жадвалга қarang).

4-жадвал

2012 - 2013 йилларда Самарқанд вилоятида тижорат банклар томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредитлар ажратиш тўғрисида маълумот

№	Шаҳар ва туман номи	2012 йил ажратилгани,	Шундан имтиёзли кредитлар ҳажми, млн сўм	2013 йил				
				режа	амалда	%	Шундан имтиёзли кредитлар	Имтиёзли кредитлар улуши

	Вилоят бўйича жами	42601	1137	44931	55739	124%	2644	5
1	Самарқанд шаҳар	25285	109	27048	33075	122%	438,5	1,3
2	Каттақўрғон шаҳар	3404	55	3691	4579	124%	121,5	2,7
3	Каттақўрғон тумани	840	72,7	869	1108	128%	203,8	18,4
4	Пайарик тумани	1091	75	999	1310	131%	157	12,0
5	Оқдарё тумани	480	61	530	673	127%	129,8	19,3
6	Нарпай тумани	578	66,1	647	843	130%	130,2	15,4
7	Жомбой тумани	963	70	952	1196	126%	145	12,1
8	Пастдарғом тумани	2217	61,8	2288	2869	125%	130,4	4,5
9	Иштихон тумани	1360	61	1398	1789	128%	128,7	7,2
10	Нуробод тумани	838	73	809	1082	134%	153,3	14,2
11	Қўшрабод тумани	189	72	209	261	125%	150	57,5
12	Пахтачи тумани	515	77,8	505	653	129%	162,7	24,9
13	Ургут тумани	2917	66	3060	3753	123%	137	3,6
14	Самарқанд тумани	817	80,3	756	1071	142%	168,5	15,7
15	Булунғур тумани	857	70,1	910	1143	126%	147,6	12,9
16	Тайлоқ тумани	249	66,8	261	334	128%	140,3	42,0

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Хизматлар соҳасини ўраганишда иқтисодий омилларнинг муҳимлиги истеъмол ва инвестицион товарларга бўлган талабнинг ўзгариши муҳим ҳисобланади.

Масалан, Самарқанд вилояти аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини ўрганадиган бўлсак, анъанавий истеъмол товарлари ҳажми сақланиб қолган ҳолда, инвестицион товарларга бўлган талаб даражаси ўсиб бормоқда.

Хизматларга талаб ва нарх даражаси ўзаро узвий боғлиқ. Аҳолининг турмуш даражасининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда хизматларни истеъмол қилиш ҳажми ҳам ўсиб боради. Хизматлар соҳаси ҳажмининг ортиб бориши аҳолининг вақтини тежашга имконият яратган ҳолда иш кучининг масштабдаги такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида талабни рағбатлантиради. Хизматлар нархи динамикасини ўрганиш жараёнини хизматларнинг ижтимоий аҳамиятига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ: алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар ва оммавий талабга молик бўлган оддий хизматлар. Биринчи гуруҳдаги хизмат турларига нисбатан аҳолининг барча қатламларининг минимал истеъмол имкониятини яратиш мақсадида нарх сиёсати ўрнатилади. Иккинчи гуруҳ хизмат турлари учун нарх ҳудуднинг географик жойлашуви ва мавсумийлик омилларига нисбатан шаклланади (масалан, ёзда туристик

хизматларга, йўловчи транспорт хизматларига бўлган талаб ўсади). Юқори даражадаги нарх (ёки кўрсатилаётган хизматлар сифати ва нарх номувофиқлиги) ҳудуднинг хизматлар соҳасида катта аҳамият касб этган ҳолда, барча истеъмол гуруҳлари талабини қондиришга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, ўй-жой қурилиши ва унинг таъмири, пойафзал таъмирлаш, сартарошлик хизматларига бўлган нарх ва сифат номувофиқлиги ушбу хизматларнинг такрорий харидини чеклаб қўяди ҳамда ушбу тармок даромадининг ошишини чегаралайди.

Техникавий ва технологик мезонлар ҳам ҳудуднинг истеъмол бозори ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши бугунги кунда олиб борилаётган технологик жиҳатдан модернизациялаш жараёнларига ҳар томонлама боғлиқ. Шунга мувофиқ ҳолда, вилоятда, айниқса қишлоқ жойларда сервис хизмати кўрсатишнинг янги турлари, қўшимча капитал ҳамда малакали мутахассисларни жалб этадиган, шу билан бирга замонавий хизмат кўрсатиш технологияларини жорий этиш имкониятига эга бўлган турли хил мулкчилик шаклидаги, янгидан-янги хизмат кўрсатиш иншоотлари, сервис марказлари ташкил этилмоқда (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти бўйича

(бирлик)

№	Ҳудуд номи	Рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар сони		Рўйхатдан ўтмасдан хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сони (танланма кузатув натижалари)	
		2012 йил ҳолати	2013 йил ҳолати	2012 йил ҳолати	2013 йил ҳолати
	Вилоят бўйича	4728	5750	20513	24084
	Шаҳарлар:				
1	Самарқанд ш	732	1303	4617	6044
2	Каттақурган ш	137	311	760	1196
	Туманлар:				
3	Оқдарё	193	195	668	704
4	Булунгур	182	207	884	971
5	Жомбой	309	262	1242	1221
6	Иштихон	482	474	972	1068
7	Каттақургон	148	195	751	809
8	Кушробод	155	156	501	515
9	Нарпай	265	278	808	909
10	Пайарик	325	344	933	1040
11	Пастдоргом	328	364	1757	1943
12	Пахтачи	106	107	480	536
13	Самарқанд	412	538	2506	2876
14	Нуробод	73	84	366	529
15	Ургут	620	657	2179	2524
16	Тайлок	261	275	1089	1199
	Қишлоқ туманларида жами		4136		16844

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, қишлоқ аҳолисининг сервис хизматларига бўлган талабини қондириш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларида жами бўлиб 5750 сервис корхонаси ҳамда 24084 ортиқ якка тартибда хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан хизмат кўрсатилган бўлса, шулардан 4136 корхона қишлоқ туманлари ҳамда қишлоқ жойларда жойлашган. Булардан ташқари, қишлоқ аҳолисига 16844 дан ортиқ якка тартибда (сартарошлар, пойафзал тикувчилар, электриклар, дурадгорлар, фотографлар, ошпазлар, тўй томошаларни ўтказишда хизмат кўрсатувчи турли хил касб эгалари) каби бир қатор хизмат соҳиблари сервис хизмати кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ жойлардаги сервис субъектларининг улуши 80 % ни ташкил этмоқда.

Сервис хизматлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини туманлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, Ургут туманида 2179 та корхона ва 2524та якка тадбиркорлик, Самарқанд туманида 2506 та корхона ва 2876 та якка тадбиркорлик, Пастдарғом туманида 1757 та корхона ва 1943 та якка тадбиркорлик, Жомбой туманида мос ҳолда 1242 ва 1221 та, Тайлоқ туманида 1089 ва 1199 та сервис субъектлари фаолият олиб бораётган бўлса, бу кўрсаткичлар вилоятнинг Нуробод, Пахтачи, Қушробод каби туманларда нисбатан паст. Буларнинг асосий сабаблари туманларидаги қишлоқлар асосан тоғ массивларида, тарқоқ жойлашганлиги, кўпгина қишлоқларга олиб борадиган йўл ва кўприклар, бошқа коммуникация иншоотлари етишмайди. Транспорт тизими модернизациялаштирилмаган ва тизимлаштирилмаган. Масалан, Нуробод туманидаги “Нагорний” рекреацион - соғломлаштириш марказидан транспорт ва бошқа инфраструктура коммуникациялари талаб даражасида эмаслиги, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга тусқинлик қилмоқда. Ушбу даволаш объектларида маркетинг хизмати умуман йўлга қуйилмаган, реклама ва ташвиқот – тарғибот ишлари амалга оширилмаганлиги сабабли, дам олувчи ҳамда даволанувчилар сони ўзгармасдан қолмоқда. Худди шунингдек, Қушрабод туманида ҳам турли хил касалликларни даволашда қўллаш мумкин бўлган маъданли сув мавжудлиги собиқ СССР давридан маълум эди, бироқ бу соҳада ташкилий ҳамда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, кўп ҳолларда тумандаги раҳбар ходимларнинг бефарқлиги ҳамда тадбиркорларнинг ташаббускорлиги етишмаслиги оқибатида ушбу хизматлар ресурсларидан фойдаланилмасдан келинмоқда. Шу ҳолатни Пахтачи туманида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу туманларнинг географик жойлашуви, табиий иқлим шароити (тоғ, манзара, ландшафт, дашт ва чул) туризмнинг кўпгина махсус соҳаларини, турли маршрутларини барпо этишга имкониятлар яратиши мумкин.

Ушбу салбий ҳолатларга кўпинча, аҳолининг географик тарқоқ жойлашуви сабабли сервис объектларини бунёд этишдаги дастурларнинг иқтисодий самарадорликка нисбатан номувофиқлиги, молиявий инвестициянинг киритишнинг номақбуллиги, аҳолининг сервис соҳасига бўлган ижтимоий – психологик жиҳатидан муносабатлари, маданият даражаси, табиий иқлим омиллари каби кўплаб объектив тусиқлар ҳам мавжуд.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда янги замонавий технологиялар бизнес юритиш усуллари тубдан ўзгартиради. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги янгиланишлар компьютер техникаси ва коммуникация технологиялари воситаларининг интеграцияси билан изоҳланади (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Самарқанд вилоятида 2013 йилда кўрсатилган хизматлар таркибида қишлоқ жойларда сервис соҳасини ривожлантириш миқёси

	Хизматлар турлари	Жами хизматлар ҳажми, млн.сўм	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, %	ш.ж қишлоқ жойларда	
				Жами хизматлар ҳажми, млн.сўм	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, %
	Жизматлар, жами	2570491,9	121,2	1286094,4	128,7
	жумладан:				
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (уяли алоқа, "Интернет" тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматлари билан бирга)	182977,7	136,3	8446,4	135,5
2.	Компьютерли программалаштириш хизматлари (электрон таълим ва консултацион хизматлари билан бирга)	1023,7	122,9	270,5	139,0
3.	Молия хизматлари (банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматлари билан бирга)	195764,4	132,7	66617,2	150,6
4.	Транспорт хизматлари (логистик хизматлар билан бирга)	492488,4	125,5	311428	133,1
5.	Қурилиш хизматлари (муҳандислик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш хизматлари билан бирга)	98384,5	128,2	58064,4	147,4
6.	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	8689,8	130,3	4413,1	135,9
7.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	876	137,3	732,9	610,5
8.	Туристик хизматлар (мехмонхона хизматлари билан бирга)	25768,5	123,1	453	186,3
9.	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	686605,5	119,6	423246,7	128,8
10.	Маиший хизматлар	187344,7	127,6	98985,1	127,8
11.	Таълим хизматлари	105986,9	116,5	34817,6	133,9
12.	Соғлиқни сақлаш хизматлари	35868,7	130,5	7200,8	137,8
13.	Қишлоқ хўжалиги хизмати	21469,1	132,4	21063,5	145,3
14.	Бошқа хизматлар	527244	106,7	250355,2	106,7

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, техник хизмат кўрсатиш, телекоммуникация корхоналари (компьютерлар ва абонент терминалларини таъмирлаш, интерактив телевидения хизматлари (IPTV)) хизматлари ҳажми вилоят бўйича жами 2012 йилда 102,6 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда ўсиш суръати 4,14 % га ўсган ҳолда 120 % ни ташкил этган. Бу ўсиш суръати кейинги йилларда ҳам 4-5 % атрофида сақланиб

қолиши вилоятда 2014-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳисобига белгиланган мақсадли прогноз параметрларида белгилаб қуйилган.

Компьютер техникаларини таъмирлаш, мобил телефонлар ва бошқа электротехника, почта корхоналарида видеотелефон хизматларини кўрсатиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилди 2012 йилда ўсиш суръати 4,38 % ни ташкил этган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 8,65 % га ошган.

Вилоят ва унинг ҳудудларида электрон хизмат кўрсатиш (глобал-локал) тизимларининг яратилиши Бутунжаҳон компьютер тармоғи (The World Wide Web) билан биргаликда молиявий компаниялар, банк ва бошқа сервис корхоналари фаолиятининг миқёси ва таркибини тубдан ўзгартиради. Технологик жараёнлар хизматлар соҳасининг барча тармоқларига (ҳаво транспорти хизматларидан тортиб, чакана савдо хизматларигача) таъсир кўрсатади.

Технологик ўсиш, буюртма қабул қилиш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тўловларни амалга ошириш, монотон ишларни машиналар зиммасига юклаш орқали бундай операциялар реинжинерингини амалга ошириб, компаниялар фаолиятида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими яратилади ва кўплаб истеъмолчиларни жалб этади. Бунинг яққол далили сифатида жамғармаларни қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш ва қабул қилиш, кредитларни тўлаш каби банк операцияларини келтиришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, янги технологиялар хизматлар сифатини ҳамда сервис маданиятини оширади, хизматлар бозорини кенгайтириб боради ва хизматларга бўлган талаб ҳажмининг ўсишини рағбатлантиради вилоятда ишга туширилаётган ҳамда қайта ташкил этилган сервис объектларининг барчасида ҳам янги технологиялар жорий этилган деб бўлмайди. Айниқса, бу ҳолатни маиший хизмат корхоналарида кўришимиз мумкин..

Юқорида ўтказилган таҳлил натижаларини хулоса қилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, кўриб чиқилган омиллар бир – бирини тақозо қилган ҳолда ўзаро боғлиқ тарзда ҳудудий сервис соҳасини ҳамда бозорини шакллантиришда бир хил таъсир кўрсатади. Шунга кўра, ҳар бир таъсирни ўрганишда тизимли ва комплекс тарзда ёндошиш лозим бўлади.